

Шу кунларда Ўзбекистан заминида хаёт кечираётган авлод бахтлиларнинг бахтлисидир. Чунки, улар мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм исканжасидан халос бўлди, хаёт гаштини сурмоқдалар. Бундай бахт-саодат шу даражада кимматлики, унга тенглашадиганини топиб бўлмайди. Хатто жахондаги барча бойликлар тарозининг бир палласига солинса, иккинчи палладаги озодликнинг ахамияти ва салохияти босиб кетар экан. Бу хусусда бир хикояни келтиришни ўринли, деб хисоблайман. Ўтмиш замонларда бир донишманд киши Мадраса талабаларига савол берди: «Айтинглар-чи, бу дунёдаги энг улуг ва азизлик нимада ўз ифодасини топади?» Талабалар бахslashанларидан кейин, ота-она, фарзандлар, саломатлик энг олий мақомга сазовордир, деб жавоб беришибди. Айрим кишилар бунга карши ўларок, улугларнинг улуги инсондир, агар бу табаррук зот яратилмаганида бутун олам бамисоли дўзахга ўхшаб коларди, дейишибди. Зеро, инсон туфайли еру осмон яшнади, ўсимлик ва хайвонот дунёси ўз эгасини топди. Донишманд сўз олиб дебди: «Фарзандларим! Сизларнинг инсоннинг буюк хизматлари хақидаги фикрларингизга тўла кўшиламан. Аммо, қачонки инсон зоти озод холда она юртига эгалик қилиб хаёткечирса, кадр-киммати ва улуглигидан сакланади. Борди-ю, боскинчилар панжасида кул каби хаёт кечирсалар, «гапирувчи иш хайвонларига» айланадилар. Чунки, куллар Хак- хукук, ўз-ўзини англаш, гурурланиш, фахрланиш ва бошка инсонга хос фазилатлардан махрум этилган бўлади. Улар маънавий ва моддий жихатдан кашшоклаштирилади. Кўриниб турибдики, — деб сўзини давом эттирибди донишманд, — фақат мустақиллик ва озодлик том маънодаги инсонни шакллантириб, уни олий зот сифатида кўқларга кўтаради, яшнатади ва улуглайди. Демак, озодлик ва эркинлик энг улуг ва азиз неъматдир».

Донишманднинг бу доно сўзлари тарих синовидан ўтган хақиқатдир. Чунки, ўзбек халқи ўтмиш замонларда озодликни хаётнинг рамзи сифатида кадрлаб Ахмонийлар, Македониялик Александртга Чингизхон сингари боскинчиларнинг тажовузи ва хукмронликларига карши қахрамонона жанг қилди. Унинг қони жангларда бамисоли дарё каби оқди, шакар ва кишлоклар душманлар томонидан вайрон этилди. Бирок озодлик гоёлари сўнмай, вақти келганида ўз қуч- қудратини қайта намоёниш этаверди. Масалан, бу холат чор хукумати тажовузларига, сўнгра хукмронлигига карши курашларда яққол қўзга ташланди. Нихоят, 1991 йил 31 августда Республика Мустақил, деб эълон қилинди. Бу тарихий воқеа буюк давлат арбоби Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида содир бўлди. Бу табаррук зотнинг исми хозирги мустақил ўзбек давлатининг асосчиси сифатида тарих саҳифаларига битилди. Мустақиллик йиллари Республикада буюк ўзгаришлар содир бўлаётганлиги гувоҳи бўлиб турибмиз. Хозирда Ўзбекистон жахон харитасига битилиб, уни билмаган ва сийламаган мамлакат қолмади. Бундай озодликнинг нақадар кимматли ва улуглигини ҳамда оламшумул ахамиятга моликлигини англаш учун уни 130 йиллик мустамлакачилик тузумига солиштириш ва фарқини билиш сиёсий ва илмий ахамиятга эгадир.

Хўш, совет даврида қандай тузум хукм сурган эди?

Бу саволга кулдорлик тузуми бўлган эди, деб жавоб беришга барча асослар бор. Унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий томонлари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, сиёсий жихатдан олганда Ўзбекистонда миллий давлат, миллий қўшин ва миллий бошқарув тизими ташкил этилмади. Уларнинг ўрнига мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмни таъминловчи тоталитар Республика ўрнатилиб, Ўзбекистон амалда

Россиянинг таркибий кисмига айлантирилди. Тўғри, Республи-ка макоми берилиб, парламент, конституция, байрок, мадхия ва герб жорий этилди. Аммо, уларнинг хаммаси «хўжақўрсинга» килинган бўлиб, найрангбозликдан бошка нарса эмас эди. Чунки Республика ва унинг халкига сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмай, каттик назорат ва таъкиб ҳукм сурди. Гарчанд, раҳбарлик лавозимларига ўзбеклар ҳам кўйилган бўлса-да, лекин улар марказнинг ўта итоаткор хизматкорлари эди, холос. Уларнинг зиммасига коммунистик гоьларнинг самарадорлигини таъминлаш, турли-туман бойлик ва даромадларни икки кўллаб марказ хазинасига топшириш юклатилган. Шунини унутмаслик керакки, биринчи навбатда Ўзбекистон раҳбарлари «занжирбанд ҳукмдорлар» бўлган эдилар. Бу ҳолат кулчиликнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Кулчилик сиёсий катагонларда ўз ифодасини топди. Авваламбор, халкнинг бу адолатсиз катагонларга қарши оммавий равишда бош кўтармай катта-кичик мажлисларда уни қувватлаши ва партияга миннатдорчиликни изхор этишининг ўзи ҳам кул табиатликни кўрсатади. Бундай йигинлар мактабларда ҳам ўтказилиб ўқитувчилар ва пионерларнинг: «Халқ душманларига ўлим!», «Яшасин жонажон партиямиз», деган сўзлари ҳамон эсимда турибди. Мана шундай йигинларнинг бирида мактабимиз директори: «Партия душманларини қириб ташлаймиз, бизнинг талабимиз шу», деб роса бақириб-чақирган эди. Чамаси, икки ҳафта ўтганидан кейин директорнинг ўзи «халқ душмани» экан, сири очилиб, камалиб қолибди, деган сўзлар тарқалди.

Кулчиликнинг энг дахшатлиси ва фожеалиси, катагон воситасида миллионлаб кишиларнинг иқлим шароитлари ниҳоятда оғир жойларда мажбурий суратда ишлатилишида ҳам кўзга ташланади. Махбусларнинг мазкур жойлардаги лагерларда куллик меҳнати ўзининг юксак даражасига кўтарилди.

Кулчилик аломатлари ўзбек, қрим-татар, чечен, ингушед, турк месхетилари ва бошка миллат вакилларининг сургун қилинишида ҳам кўринди. Шунини ҳисобга олиш керакки, кулдорлик тузуми оммавий равишда катагон ва сургунларни уюштириш имконини тугдирди. Бошка тузум шароитида уларни ташкил этиш амримахол эди. Коммунистик партиянинг улугмиллатчилик сиёсатининг амалга оширилиши ҳам кулдорлик тузумини бунёд этилишини такозо этган эди. Ўзбек тилининг қамситилиши ва унга давлат мақоми берилмаслиги, рус тилини иккинчи она тили деб баҳолалиши кулчиликни янада мустаҳкамлади.

Хуллас, юқорида шарҳланган омиллар кулдорлик тузумининг сиёсий асосини ташкил этган эди.

Иккинчидан, маълумки, совет даврида минг йиллар мобайнида ҳукм суриб келаётган иқтисодий тизимни тубдан ўзгартириш вазифаси кўйилди. Бунга биноан хусусий мулкчилик, эркин бозор ва савдо-сотик, эркин ишбилармонлик ва ишлаб чиқариш тақикланди. Халкнинг қўлидаги ер-сув, бойлик, савдо шохобчалари, саноат қорхоналари, қўйинг-чи, табиатдаги барча жонли ва жонсиз борлик совет давлатининг мулкига айлантирилди.

Шу равишда, совет ҳуқуқмати бир неча минг йиллар мобайнида инсон қашф этган ва ривожлантирган хусусий мулкчилик ва эркин бозорни кўпориб ташлади. Ваҳоланки, хусусий мулкчилик инсонни ёввойилиқдан холи этиб, оила, давлат ва тараккиётга асос солган муҳим омил ҳисобланган. У туфайли ханвондан фарқ этувчи инсон деган улуг зот шаклланган.

Хусусий мулксиз жамиятнинг яратилиши дарҳол мисли кўрилмаган фожеаларни юзага келтирди. Чунончи, бутун мамлакат бўйлаб очарчилик, қахатчилик ва оммавий

касалликлар юзага келиб, миллионлаб кишиларнинг ёстиги куриди. Бундан ташқари, хусусий мулкка қарши қурашлар жараёнида минглаб кишилар ўлдирилди, хибсга олинди ва сургун қилинди.

Хусусий мулксизлик кўп одамларнинг кўзини оч ва ташмачи қилиб қўйди. Масалан, нон заводида ишловчи нонни, ун заводида ишловчи унни, тикувчилик қорхонасидагилар қийим-кечакни, гўшт комбинатидагилар гўштни, қўйинг-чи, ҳар бир қорхона ва ташкилотда ишловчилар озик-овқат ва бошқа маҳсулотларни бекитиб олиб чиқишга мажбур бўлганлар. Бундай расмий суратда «ташмачи» деб номланганлар давлат мулкни талаши оммавий тус олиб кетганлиги учун милиция ходимлари рейд ўтказиб турганлар. Улар ишчи-хизматчиларни қорхонадан чиқарганда тинтув ўтказиб, молларини олиб қолар эдилар. Бундай моллар ҳажми миллион сўмларни ташкил этиб, тегишли маълумотлар матбуотда эълон этилиб турилган. Қолхоз ва совхозларда ҳам ташмачилик кенг қулоч ёйганлигини биламиз. Ташмачилик ва юлғичлик ҳақида гапиришдан мақсад шуки, улар ҳам қул табиатликнинг таркибий қисми бўлмиш боқимандалик қайфиятидаги кишилар томонидан қилинадиган иш эди. Ташмачилик, юлғичлик, ва умуман, давлат мулк-қилини талон-тороқ қилмасликнинг ҳеч иложи йўқ эди. Негаки, бор-йўғидан айрилган халқнинг давлат томонидан белгиланган оз миқдордаги маошдан ташқари даромад манбаи йўқ эди. Чунки юқорида кўрсатилганидек, табиат оламдаги барча қорлик ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ягона эгаси давлат ҳисобланиб, даромадлар унинг ҳазинасига қарё қабил оқиб қорар эди.

«Ҳаммамизга маълумки,—қейди Президентимиз Ислоқ Қаримов,—қил сўнғи 70 йил қобайнида давлатга қарамлик ва қилғиниш қолатида яшадик. Қамлақатдаги қарча қойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб қелдик. Қайси масалани олмайллик, давлат манқаати қиринчи ўринда, қуқаро, шахс манқаати эса қейрли ҳисобга олинмаслиги эски қонституцияларнинг қар қайси қоддасида яққол қўзга ташланар эди». Қарҳақикат, қамлақатда ягона давлат мулк эғалиги ҳуқм суриб, қатто одамларнинг қаёти ва тақдири ҳам давлатнинг қўлида бўлган.

Шундай қилиб қўрдикқн, хусусий мулкчилиқ ва унга қоглик турли соқаларнинг тақикқаниши, шахсий ташаббус ва манқаатдорликнинг бўғилиши, мажбурий меқнат, ишга яраша ҳақ тўламаслик, боқимандалик ва «қорин тўйса қас» қеган туйғулар қулчилиқнинг иқтисодий қаминини яратди.

Уқинқидан, қулчилиқ маънавий қаётда ҳам ўз иқодасини тоқди. Қунонқи, миллий ҳис-туйғулар, ўз-ўзини анғлаш, ватанқарварлик, гурурқаниш, қахрқаниш ва бошқа олий инсоний қазилатлар қибегга олинди. Ўз она юртига содик қишилар «миллатқи, қалқ душмани» ва «империализм айғоққилари» синқари қалбақи айбномалар қилан отилди ва узок муқдатли қамокка ҳуқм қилинди. Қатто, уларнинг оила аъзолари ҳам қамалди ёқи қаттиқ таъқиб остига олинди. Уларнинг орасида узок қойларга сургун қилинганлари ҳам қор эди. Шу равишда, миллий қоя ва маънавиятга зарба қерилиб, улугмиллатчилиқ сувлари қилан сугорилган қоммунистик қоялар қишилар онғига зўравонлик қилан синғдирилиб қорилди. Уни амалга оширишда тарих, фалсафа, ҚПСС тарихи, илмиқ қоммунизм, атеизм, адабиёт, иқтисод ва ҳуқуқшунослик соқалари қалб қилинди. Матбуот ва оммавий ақборот воситалари ва санъат тармоқлари ҳам қоммунистик қояларни зўр қериб тарғибот қилганлар. Натижада маънавиятда миллийлик йўқоқиб, у қом- мунистик қояларнинг асирига айланди. Айниқса, ислоқ динининг тақикқаниши, масқид ва мадрасаларнинг ёпилиши ва тарихий ёдгорликларнинг вайрон қилиниши, тарих фанининг соқталаштирилиши маънавий қаётни янада қаттиқ қашшоқлаштирди. Айни

пайтда, ўзбек халкининг ўтмиш замонларда фан ва маданият сохаларида кўлга киритган ютуклари инкор этилди.

Умуман айтганда, ўзбек халкининг миллий гоё ва маънавиятига зарба берилиб, ўрнига коммунистик гоёнинг киритилиши кулчиликнинг мухим аломатлари ҳисобланади. Чунки, бу гоё улугмиллатчилик ва кулчиликнинг ўзида акс эттирган эди.

Тўртинчидан, совет даврида шаклланган кулчиликнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эди. Чунки, биз бошимиздан кечирган бу кулчилик билан қадимги Юнон, Рим ва бошқа давлатлардаги кулчилик ўртасида асосий негизи бўйича фарқ йўқ. Чунки, бу ҳар иккала даврда куллар хусусий мулкчилик, ишлаб чиқариш қуроллари, сиёсий ва инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, «темир кафас»да ушлаб турилган. Ўтмиш замонларда куллар асосан урушларда асир олинган ёки бўйсундирилган кишилардан ташкил топган. Шунга ўхшаш большевиклар ҳам Туркистонни урушиб олиб, халқини куллик балосига мубтало этди. Совет даврида кулчиликнинг маъноси анча кенгайиб, ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Қадимги замонларда натурал хўжалик ҳукмронлик қилганлиги учун куллар озик-овқат, кийим-бош ва турар жой билан таъминланган. Совет даврида эса пул муносабатларининг кенг қўламда ривожланганлиги учун кулларнинг иш хақи маош тарикасида тўланди. Хусусий мулки ва бойлиги бўлмаган халқ фақат маошга тикилиб қолди! У маошсиз қолмаслик учун давлат кўрсатган қизигидан қилмасликка ва унга сажда қилишга ҳаракат қилган. Давлат шу тарика маош воситасида халқни ўзига ипсиз боғлаб, хоҳлаган қўйига ўйната берди. Қадимги вақтларда бўлганидек, совет ҳукумати кулларни турар жойлар билан таъминлаб турди. Аммо ҳаммани бирданига турар жой билан таъминлашнинг иложи бўлмаганлигидан, хусусий уй қуришга руҳсат берилди. Лекин келажакда бундай уйларнинг аста-секин тамомила йўқ қилиниши турган гап эди. Уларнинг ўрнини давлат томонидан қурилган уйлар билан алмаштириш жараёни кетмоқда эди. Совет даврида кулларни сотиш ва сотиб олишга эҳтиёж қолмади. Чунки мамлакат ичида ҳам, хорижда ҳам кул бозорлари бўлмаган. Давлат кулларнинг ягона эгаси бўлганлиги учун унга харидор йўқ эди.

Қадимги кулдорлик давлатларда аҳоли озод ва куллардан ташкил топиб, йирик хусусий кул эгалари фаолият кўрсатган. Улар билан бир қаторда эса давлат миллионлаб кишиларни куллик ҳолатида ушлаб турган. Шунинг учун ҳам кулларнинг давлатга тегишлилигини англатувчи «биз партияннинг солдатларимиз», «бизлар давлат одамларимиз», «Совет Иттифоқининг фарзандларимиз» каби иборалар юзага келган. XX асрда фан ва техника шу даражада юксалдики, усиз у ёки бу давлатнинг ривожланиши мумкин эмас эди. Коммунистик партия буни яхши англаган ҳолда маориф, олий ва ўрта таълим тармоқларини, фан ва маданиятни ривожлантириб, саводсизликни тугатди. Мутахассис ва олимларни етиштирди.

Бу ерда савбл тугилади. Нахотки, совет даврида етиштирилган ўқитувчилар, врачлар, агрономлар, муҳандис-техник ходимлар, олимлар ва бошқа соҳа эгалари кул бўлган бўлсалар?

Бунга, «Ҳа, росмана куллар бўлишган, лекин саводли ва билимли куллар эдилар, ҳолос», деб жавоб бериш мумкин. Чунки, улар юқорида кўрсатилганидек, сиёсий ва инсоний ҳуқуқ, хусусий мулкчилик, миллий маънавият ва диндан маҳрум этилган. «Партияннинг солдатлари» ҳисобланган. Шунингдек, улар мустақиллик ва озодликни барбод этган коммунистик гоёлар билан захарланган. Шу муносабат билан:

— Домла, айтинг-чи, совет даврида сиз ҳам ўзингизни малакали кул, деб ҳис этганмисиз?—деган са-вол тугилади.

— Ха, мен ва бошка олимлар юкори малакали ва тажрибали куллар бўлганмиз, — деб жавоб бераман. Чунки, бизлар олдинги сафда туриб коммунистик гоё ва «социализм»ни энг адолатли ва афзал тузум сифатида кўкларга кўтарганмиз. Вахоланки, мустамлакачилик, зулм, бебаҳо бойликларимизнинг таланиши кўз ўнгимизда содир бўлаётган эди. Аммо бирортамиз отилиб чикиб партиянинг сиёсатига карши чикмадик. Аксинча, партияни олқишладик. Бунга ўта эҳтиёткорлик ва жасоратсизлики тугдирган кул табиатлигимиз сабаб бўлган. Агар бизлар том маънодаги озод кишилар бўлганимизда боскинчилар зулмига карши курашишимизга шубха йўқ эди. Чунки, онги ва калби озодлик гоёлари билан сугорилган кишиларнинг миллатпарварлиги жўш уриб мардонавор курашади. Буни яхши англаган совет давлати халкни куллик кишанлари билан боглаб кўйди. Бу ўз самарасини бериб, 20-йиллардан то кизил империя йикилгунга қадар бўлган даврда зулмга карши кўзголон кўтарилмади. Аксинча, коммунистик партия ва давлат сиёсатига кўр-кўрона эргашиш ва улуглаш авжига миниб бораверди. Бундай холат кишлок ахолиси орасида ҳам содир бўлиб, кул меҳнати мисли кўрилмаган даражада азоб-укубат ва талафотларни келтирди. Давлат томорка ер бериб, дехконларни ўзига ипсиз боглаб кўйди. Бордию улар ишлашдан бош тортсалар, томорка тортиб олиниб, ўзлари хайдалган. Пахта яккахокимлигининг хукм суриши дехконларни кулчилик боткогига кулогигача ботириб юборди. Совет даврида онгли равишда химия ўгитлари билан ер, сув, хаво ва озик-овқат махсулотларининг захарлантирилганлигини, оммавий касаллик ва ўлим кучайганлигини унутиб бўлмайди. Узбек аёлларининг умри совет давридаёқ меҳнат frontiда чириганлигини инсоният тарихи билмайди, дейсизми?! Улар, асосан давлат учун ишлашга мажбур килинди. Улар аёлларга хос нозик фазилатларни йўқотиб «дагаллашдилар». Бу хусусда совет даврида бир дехкон йигит билан суҳбатимни келтириш масалани янада ойдинлаштиради.

Фаргонанинг Водил деган жойидаги чойхонада ўтирганимизда шогирдим Исмоилжоннинг таниши ўрта ёшлардаги дехкон бир коса ош билан ёнимизга келиб ўтирди. Салом-алиқдан сўнг деди: «Бир йилда бир маротаба шу ерга ёки Шохимардонга хотиним ва болаларим билан келиб бир оз дам олгандек бўламиз. Мен Россияда армияда хизмат килиб юрган вақтимда рус аёлларининг кўриниши тоза ва ёкимлилиги ҳамда кўллари юмшоклигини кўриб хавасим келган. Шунда кишлогимиздаги аёлларнинг ниҳоятда огир меҳнати, кўллари ва оёқлари ёрилиб ҳамда дагаллашиб кетганлиги кўз ўнгимда гавдаланиб жуда хафа бўлганман. Хув анави менинг хотинимга кўз ташланг, домла, ковжираб ётган капченний баликка ўхшаб колган. Унга рахмим келади, негаки, бир кеча-кундузда 20 соат меҳнат килиб, дам олиш ва хаммомни, пардоз ва яхши кийинишни унутиб юборган. Хатто, хотиним пахтазорда ишлаётганда дард тутиб колибди. Уни тугурукхонага олиб кетаётганда машинада кўзи ёриб, бир ўлимдан колган эди». Шунда Исмоилжон у ёқ-бу ёқка аланглаб: «Ука, секинрок гапир, бировлар эшитса, сиёсий тус бериб галвага коламиз», деб кўйди.

Бу оддий дехконнинг сўзлари факат унинг хотинининг эмас, балки кишлоклардаги ҳамма аёлларнинг ачинарли холатини ифода этган эди.

Хулоса килиб айтганда, биринчидан. Совет даврида Ўзбекистонда кулдорлик тузумининг сиёсий асослари куйидагича бўлган. Авваламбор, миллий давлат ва кўшинни ташкил этишга йўл берилмай, мустамлакачилик ва улугмиллатчилик сиёсати амалга оширилди. Республика рахбарлари мустакил равишда ички ва ташки сиёсатни юргизишдан махрум этилиб, улар амалда марказнинг итоаткор хизматкорлари эди, холос. Ўзбек тилига

давлат макоми берилмади, миллий пул жорий этилмади. Халк оmmasига сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмай, бутун мамлакат «темир панжара» билан қуршаб олинди. Унинг сиёсий фаолияти бўғилди ва ташқи дунё билан алоқа қилишга йўл берилмади. Республика мисли қўрилмаган сиёсий катагонни, каттик назорат ва таъқибларни бошидан кечирди;

Иккинчидан. Кулдорлик тузумининг иқтисодий замини қуйидагича кечган: Хусусий мулкчилик, эркин бозор ва савдо-сотик, эркин ишбилармонлик ва ишлаб чиқариш тақикланди. Табиатдаги барча жонли ва жонсиз борлиқлар, ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва бошқа турли-туман бойлиқлар давлат мулкига айлантирилди. Натижада, яққа давлат мулк эгаллиги юзага келиб, халқ бамисоли илдизи қирқиб ташланган дарахтга ўхшатиб қўйилди. Мехнатқаш омма маош воситасида давлатга чамбарчас боғлаб қўйилиши ва бошқа даромад манбаи қолмаганлиги уларни давлатга сизгиниш ва итоат этишга мажбур қилди. Ўзбекистондан пахта, ипак ва ноз-неъматлар, олтин, газ, вольфрам ва бошқа ноёб бой-лиқлар тинимсиз олиб чиқиб кетилди.

Салоҳиятли саноат тармоқлари Иттифок вазирлигига бўйсундирилиб, даромадлар марказ чўнтагига тушди. Республикага тайёр саноат маҳсулотлари қўплаб келтирилиб, халқ янада каттиқроқ шилинди. Натижада, Ўзбекистан Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланиши ҳам қулчилик тузумининг асосини яратди; Учунчидан. Қулчиликнинг белгилари маънавий ҳаётда ҳам намоён бўлди. Зеро, дин тақикланиб, масжид

ва мадрасалар ёпилди. Дин пешволари оммавий равишда отилди, диний китоблар ёқилди ҳамда тарихий обидаларнинг талайгина қисми бузиб ташланди. Миллий хис-туйғулар, ўз-ўзини англаш, ватаниарварлик, гурурланиш ва фахрланиш сингари олий фазилатларга зарба берилди. Оламшумул аҳамиятга молик бой тарихимиз сохталаштирилди. Уни ҳолис ўрганиш ва тарғиб қилишга йўл қўйилмади. Миллий турмуш тарзига қарши ўларок, «совет турмуш тарзи» татбиқ этилди.

Шу равишда миллий гоё ва маънавият хибсга олиниб, ўрнига коммунистик гоё зўравонлик билан қиритилди. Бу гоё халқнинг онги ва дунёқарабини қоронгилаштириб чегаралаб қўйди. У қулчилик тузумининг йўналтирувчи қучи ҳисобланди;

Тўрттиндан. Юқорида шарҳланган фикрлар шу ҳақда гувоҳлик берадики, совет даврида «социализм» эмас, балки «кулдорлик» тузуми ташкил топган. Мамлакатда ягона давлат мулк эгаллиги ҳукм суриб, фуқаролар унинг жонли мулкига айлантирилди. Шунга монанд равишда қуллар ҳам ўз-ўзидан давлатники бўлиб қолди. Шу боис, совет даврида кулдорлик давлати шаклланган дейилса, асло хато бўлмайди. Шунини айтиш лозимки, тарихда бунга ўхшаш жуда катта кулдорлик давлати бўлган эмас. Чунки унинг қул остидаги барча халқлар қулга айлантирилди. Шунинг учун ҳам қулчи-лик мисли қўрилмаган даражада ўзининг энг юқори чўққисига қўтарилди. Аммо, қулчилик вақтларнинг ўтиши билан қизил империяни ичидан қиритиб бораверди. Чунки, қулчилик аллақачонлар ошини ошаб, ёшини яшаб, тарих ёдгорлигига айланган эди.

Эндиликда қадимги даврлар ўтиб, бутуни жаҳон бўйлаб озодлик гоёлари ҳукм суриб, фан ва маданият тараккиёти гурқирамоқда эди. Мана шундай янги замон шароитида қулчиликнинг пайдо бўлиши гайритабиий ҳол эди?

Хўш, шундай экан, нима учун совет даврида қулчи-лик юзага келди? Бунинг асосий сабаби, бутуни мамлакатда социализм тузумини қуриш учун шарт-шароит мутлақо етишмаган эди. Ахир, коммунистларнинг дохийси К. Маркс социализмни фақат бутун дунёда ялписига тараккиётга эришгандан кейингина бунёд этиш мумкин, деган эди-ку.

Бунга эришиш учун яна юз йиллар керак бўлади-ку. Россия Оврупо мамлакатлари орасида хар жихатдан энг колок мамлакат сифатида донг чикарганди. Унинг кўл остидаги мустамлакалар ундан хам колок мамлакатлар бўлганди. Масалан, Туркистон ўлкаси шулар жумласидандир. Бирок В. И. Ленин бошлик «большевиклар» шароит етилмаганлиги билан хисаблашмай, бир мамлакат доирасида хам социализм курамиз, деб жар солдилар. Улар шароит етилмаганлигн боис социализмни киргинбарот ва кул мехнати билан бунёд этишга каттик киришдилар. Шу тарзда коммунистик партия бир мамлакатда социализмни курамиз, деб биринчи хатога ва уни зўравонлик билан амалга оширамиз деб, иккинчи хатога йўл кўйди. Бу хатолар партия ўйлаганидек, социализмни эмас, балки кулдорлик давлатини юзага келтирди. Бу билан тарих гилдираги олдинга эмас, балки бир неча юз йилларга—оркага юргизилди. Шунинг учун хам, бу давлат янги замон тараккиётига мос тушмай, гайритабиий вокеа деб бахоланди. Уни тиш-тирногига ядро ва бошка дахшатли куруллар билан курулланишига карамай, урушсиз агдарилишига худди шу кулчиликнинг ўзи сабаб бўлди.

Борди-ю, менинг фикрларимни тан олмайдиган олимлар топилса, совет даврида кандай тузум бўлганлигини ўзлари айтишсин. Олдиндан шуни маълум килиш керакки, 70 йилдан ортик даврда хусусий мулкчилик, эркин бозор ва савдо-сотик, диннинг такикланиши, феодализм ёки капитализм тузуми хакида гапиришга йўл берилмади. «Социализмнинг курилмаганлиги «отнинг кашкасидек» хаммага маълумдир.

Шундай экан, совет давридаги кулдорлик тузумини инкор этиб бўлмайди. «Куллик ва мутелик исканжаси- дан, — дейди Юртбошимиз Ислон Каримов,— озод бўлиш, кадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлишдан шарафлироқ вазифа йўк бу дунёда».

Марказий Осиёда бу шарафли вазифа биринчи бўлиб Ўзбекистонда амалга оширилди. Бу билан биз гурурланиш, фахрланиш ва унинг кадр-кимматини, шон-шухратини кўкларга кўтаришга тўла хаклимиз.

Хамид Зиёев